

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FПL.46.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ХОЛДАРОВ ДИЛМУРОДЖОН ЭРКИНЖОНОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИДА БАДИИЙ УСЛУБ
МУАММОСИ**

(Шойим Бўтаев ва Назар Эшонқул қиссалари мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертациидоктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Холдаров Дилмуроджон Эркинжонович

Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси..... 5

Холдаров Дилмуроджон Эркинжонович

Проблема художественного стиля в современных узбекских
повестях.....21

Kholdarov Dilmurodjon Erkinjonovich

The problem of artistic style in modern uzbek narratives40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FIL.46.01. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ХОЛДАРОВ ДИЛМУРОДЖОН ЭРКИНЖОНОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИДА БАДИИЙ УСЛУБ
МУАММОСИ (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонқул қиссалари мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1.PhD /Fil 39 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Каримов Баҳодир Нурметович**
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Норматов Умарали**
филология фанлари доктори, профессор
Сатторова Гулноз Юнусовна
филология фанлари номзоди

Етақчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. FIL.46.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzci.net).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган).Манзил: 100100, Тошкент,Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ да _____ - рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, академик

Р.Баракаев
илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, филол.ф.н.

Н.Ф.Каримов
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ўзгаришлар кишилар тафаккури ва дунёқарашида ҳам янгича қарашларни вужудга келтиради. Бадиий адабиёт ижтимоий ҳаёт ва унда яшаётган одамларнинг қалб кечинмаларини акс эттирар экан, туб ўзгаришлар, аввало, бадиий адабиётда ўз ифодасини топади. Зеро, “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор”¹, – деган сўзлар замирида адабиёт ва санъатнинг кишилик жамиятидаги бекиёс ўрни ҳақидаги фикрлар мужассам. Бугунги кунда бадиий адабиёт ва ижод аҳлига бўлган муносабат ўзгарди, хусусан, бадиий ифода усуллари ҳамда воқеликни тасвирлаш услубларида ҳам ўзига хос янгиланишлар рўй берди.

Мустақиллик арафаси ва мустақиллик даврида майдонга келган асарларнинг мавзу кўлами, савияси ва ҳажми турлича. Ўзбек қиссачилигида рўй бераётган сифат ўзгаришлари, қисса жанри услубидаги янгиланишларни китобхонларга оригинал қисса намуналари тақдим этаётган Шойим Бўтаев ва Назар Эшонқул ижоди мисолида тадқиқ этиш, адабий жараёнда кечаётган услубий янгиланишлар, инсон муаммосининг турли ракурсларда акс этиши, турфа образлар дунёси умумлашган ҳолатда намоён бўлаётганлигини тасдиқлашга хизмат қилади. Ш.Бўтаев, Н.Эшонқул ижодида бугунги қиссалар услубининг етакчи хусусиятлари замонамиз долзарб ижтимоий-маънавий муаммолари бадиий талқин этилаётгани билан боғлиқ. Қолаверса, бугунги ўзбек қиссаларининг бадиий услуби муаммоси изчил монографик йўсинда тадқиқ этилмаган, истиклол давридаги эркин ижодий муҳит самаралари қисса жанри тараққиёти ва ўзига хос жиҳатлари илмий талқин этилмаган, адабий жараёнда бадиий асар услуби ижодкор шахси билан бир бутун тизим сифатида ўрганилмаганки, буларнинг барчаси диссертация мавзуси сифатида танланган муаммонинг долзарблиги ва зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сонли “Баркамол авлод йили” давлат дастури ҳақида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017, 4 август.

мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида бадиий услуб, қисса жанри услуби ҳақида бир қанча тадқиқотлар яратилган. Хусусан, Арасту, Гегель, А.Н.Афанасьев, М.М.Бахтин, В.Г.Белинский, А.Н.Веселовский, В.В.Виноградов, В.М.Головко, В.Жирмунский, А.Камю, В.Кожин, О.В.Лармин, Марио Варгас Льюса, Л.С.Лихачев, Ю.Манн, А.А.Потебня, Н.Д.Тамарченко, В.Е.Хализев, М.Б.Храпченко каби хорижлик олимларнинг илмий асарларида бадиий услуб, услуб компонентлари, бадиий асар қурилиши, қисса жанри ва унинг асосий хусусиятлари ҳақидаги назарий қарашлар эътиборга сазовордир.²

Ўзбек адабиётшунослигида қисса жанри ҳақидаги илк монографик изланишлар XX асрнинг 60–70-йилларидан бошланиб, 80-йиллардан эътиборан бу жараён бирмунча фаоллашгани кўзга ташланади. Насрий асарлар тадқиқига бағишланган диссертацион ишларда ҳам қисса жанри ҳақида маълумотлар билдирилади. Уларда қиссанинг жанр хусусиятлари, услуби, мавзулар доираси, ғоявий кўлами билан боғлиқ муаммолар тадқиқ қилинади³, баъзи тадқиқотларда бу масала адабий жараёндаги поэтик изланишлар, янгилашлар самараси сифатида тадқиқ этилган⁴.

² Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. –Т.: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 351; Афанасьев А.Н. Дерево жизни. – М.: Современник, 1982. – С. 464; Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – С. 502; Белинский В.Г. Собрание сочинений. т.3. – М.: 1978. – С. 271; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.:Высшая школа, 1989. – С. 406; Виноградов В.В. О теории художественной речи. – М.: Высшая школа, 1971. – С. 118; Гегель. Лекции по эстетике. Книга третья. Перевод П.С.Попова. –М.: Издательство социально-экономической литературы, 1958. – С. 201; Головко. В. М. Поэтика русской повести. – Саратов: 1992. – С. 276; Жирмунский В. Стихотворение Гёте и Байрона: Ты знаешь край?.. Изд.МГУ 1961. – С. 294; Камю А. Творчество и свобода. – М.: Радуга, 1990. – С. 608; Кожин В. Повесть. Словарь литературоведческих терминов. –М.: Просвещение, 1974. – С. 272; Лармин О.В. Художественный метод и стиль. – М.: Изд.МГУ 1964. – С. 271; Лихачев Л.С. Неравнодушная проза. – М.: Художественная литература, 1984. – С. 314; Манн Ю. Поэтика Гоголя. – М.: Художественная литература, 1988.– С. 413., Потебня А. А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – С. 614; Тамарченко Н.Д. Теория литературы // Роды и жанры. – М.: ИМТИ РАН, 2003. – С. 288; Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 2002. – С. 397; Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Писатель, 1975. – С.407; Храпченко М.Б. Познание литературы и искусства, – М.: Наука, 1987. – С. 575; Марио Варгас Льюса. Ёш романнависга мактуб // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2017. – январь. – Б. 128–140.

³ Расулов А. Характер молодого героя в современной узбекской повести: Дис. канд. филол. наук. – Т.:1966; Аббасов А. Ўзбек совет повестининг таркиб топиши ва тараққиёти: Филол. фан. доктори... дис. – Т.: 1975; Рашидов А. Проблема духовно-нравственного становления героя в узбекской повести о рабочем классе: Дис. канд. филол. наук. – Т.: 1981; Захидова С. Жанровые и стилевые особенности советской узбекской повести (60–80 г): Дис. канд. филол. наук. – Т.: 1982; Тагматов К. Нравственный мир героя и художественных искания в узбекской повести: Дис. канд. филол. наук. – Т.: 1983; Тенглашев М. Особенности конфликта в узбекских повестях 80-х годов: Дис. канд. филол. наук. – Т.: 1989; Ташпулатов Г. Нравственная искания в современной узбекской повести (М.М.Дуст, Тагай Мурад, Гаффар Хатам) :Дис. канд. филол. наук. -Т.: 1993; Улуғов А. Основные тенденции развития современной узбекской повести в интерпретации литературной критике. Дис. канд. филол. наук. – Т.: 1988; Кўбаев Қ. Ўзбек қиссаларида

Бироқ ҳозиргача эълон қилинган тадқиқотларда Шойим Бўтаев ва Назар Эшонқул қиссалари билан боғлиқ услубий муаммолар етарлича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети Адабиёт назарияси ва ҳозирги адабий жараён кафедраси режасининг “Ҳозирги адабий жараён масалалари” мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Шойим Бўтаев ва Назар Эшонқул қиссалари услуби тадқиқи мисолида бугунги ўзбек қиссачилигидаги поэтик янгилашнишларни ўрганиш, қисса жанри контекстида ижодкор шахси, бадиий тил ва бадиий нутқ муаммоларини тадқиқ этиш, янгиланаётган реалистик ва модерн услуб хусусиятларини белгилаш, бадиий услубнинг сюжет, композиция, образ сингари поэтик компонентлар билан муштараклиги масалаларини таҳлилий ёритиш ва бу борада илмий-назарий хулосалар чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижодкор шахси ва бадиий асар услуби тушунчаларини бир бутун поэтик тизим сифатида ўрганиш орқали қисса услубига доир назарий умумлашмалар чиқариш;

ўзбек қиссалари услубининг шаклланиш жараёнлари истиқлол даври қиссачилиги билан бевосита узвий ҳодиса эканлигини кўрсатиш;

Шойим Бўтаев қиссалари услубининг етакчи хусусиятларини аниқлаш, услубнинг муаллиф бадиий нияти, бадиий образ, портрет ва бадиий деталь билан муштарак жиҳатларини белгилаш;

бадиий нутқнинг қисса сюжетини таъминловчи муҳим омил эканини асослаш;

бугунги ўзбек қиссаларида реалистик услубнинг янги қирралари намоён бўлаётганини Назар Эшонқул асарлари мисолида қайд этиш;

тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат (60–80-йиллар): Филол. фан. номзоди... дис. – Т.: 2001; Рустамова М. Истиқлол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари: Филол. фан. номзоди... дис. – Т.: 2005; Каримова Ю. Пиримқул Қодиров қиссаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқини: Филол. фан. номзоди... дис. – Т.: 2005; Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX аср сўнгги чораги): Филол. фан. доктори... дис. – Т.: 2008; Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм: Филол. фан. номзоди... дис. автореф. – Т.: 2012; Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя (ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни): Фалсафа док. (PHD)... дис... автореф. – Т.: 2017. – Б. 45.

⁴ Аброров А. Ўзбек повести. – Т.: Фан, 1973; Адабий турлар ва жанрлар. 1-том. –Т.: Фан, 1991; Каримов Ҳ. Истиқлол даври адабиёти. – Т.: YANGI NASHR, 2010; Мамажонов С. Лирик олам, эпик кўлам. – Т.:Адабиёт ва санъат, 1979; Мамажонов С. Сайланма. Адабий-танқидий мақолалар. – Т.:Адабиёт ва санъат, 1981; Мирвалиев С. Наср, давр, қахрамон. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983; Назаров Б. Ҳаётийлик безавол мезон. – Т.: Ёш гвардия, 1985; Норматов У. Насримиз уфқлари. – Т.:Адабиёт ва санъат, 1974; Норматов У. Насримиз анъаналари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1978; Худойбергенов Н. Ишонч. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1988; Шермуродов Т. Жозиб изҳор излаб. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009; Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1978; Шарафиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989; Шарафиддинов О. Эл ардоқлаган адиб // Ў.Ҳошимов сайланмасига сўзбоши. – Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992; Кўчқорова М. Бадиий сўз ва рухият манзаралари. – Т.: Мухаррир, 2011; Кўшжонов М. Қалб ва қиёфа. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1978.

ҳозирги ўзбек қиссаларида кўзга ташланаётган модерн услубнинг миллий ва жаҳон адабиёти анъаналари билан боғлиқ жиҳатларини аниқлаш;

қисса жанри, хусусан, Шойим Бўтаев ва Назар Эшонкул қиссалари услубига доир фикрларни умумлаштириш, ҳозирги ўзбек қиссаларида услуб муаммосига доир назарий хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шойим Бўтаев, Назар Эшонкул асарлари объект қилиб белгиланди. Шунингдек, назарий фикрларни асослаш учун Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов ва ҳозирги давр қиссачилигининг истеъдодли вакилларидан Нормурод Норқобилов, Шодикул Ҳамро, Улуғбек Ҳамдам қиссаларига ҳам ўрни-ўрни билан муносабат қилинган.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек қиссачилигидаги услубий ўзгаришлар, жаҳон насри таъсирида пайдо бўлган поэтик ўзгаришларни таҳлил қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил ва талқиннинг қиёсий-типологик, психологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ш.Бўтаев қиссалари услубий таҳлили асосида қисса услубининг бадиий образ, портрет, бадиий деталь ва сюжет билан алоқадорлиги очиқ берилган;

қисса услуби сюжет кўламдорлиги ва яхлитлигини таъминловчи муҳим восита экани асосланган;

Н.Эшонкул асарлари таҳлили жараёнида бугунги ўзбек қиссаларида янгиланаётган реалистик услуб имкониятлари аниқланган;

модерн услуб ҳозирги қиссачилигимизнинг янги хусусияти, жаҳон насри анъаналарининг миллий талқини сифатида кўрсатилган;

Ш.Бўтаев ва Н.Эшонкул қиссалари асосида бугунги ўзбек қиссачилигида янгидан-янги услуб кўринишлари намоён бўлаётгани ҳақидаги назарий хулосалар илгари сурилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: ҳозирги ўзбек қиссасининг услубий хусусиятлари, умуман, қисса жанри бадиияти, ўзбек қиссачилигининг тадрижий босқичлари ҳақидаги назарий хулосалар ишлаб чиқилган;

истиклол арафаси ва истиклол даври қиссаларида қисса ва роман қамрови, лирика ва эпик талқин синтезлашиши, қаҳрамон ҳамда воқелик, сюжет ва композиция структур-семантик жаҳатдан ўзгаришга учраши, аммо бундай янгилашлар модернистик ёки экспериментал шаклда эмас, балки соф миллий ўзақда намоён бўлаётгани кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республикамиз ҳамда хорижлик олимларнинг фикрларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методлари қўлланилганлиги; адабиётшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялар “Адабиётшуносликка кириш”, “Ҳозирги адабий

жараён”, “Адабиётшунослик назарияси”, “Бадиий таҳлил асослари” ва “Ўзбек танқидчилиги тарихи” фанлари бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришга хизмат қилади

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ёндашувлар ҳозирги ўзбек қиссасининг услубий хусусиятлари, умуман, қисса жанри бадиияти, ўзбек қиссачилигининг тадрижий босқичлари ҳақидаги назарий хулосалардан филологик йўналишдаги талабаларга мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, маърузалар ўқиш, шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига истиқлол арафаси ва истиқлол даври қиссачилиги бўйича машғулотлар олиб боришда, махсус курс, семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммолари мавзусида олиб борилган тадқиқотлар асосида олинган натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

2012–2016 йиллар мобайнида Ўзбекистон Миллий университети Давлат илмий-техника дастури доирасидаги Ф1-42 рақамли “Адабиётшунослик тарихининг фундаментал тадқиқи”да фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 25 октябрдаги ФТА-02-11/944-сон маълумотномаси).

Шу асосда қисса услубининг бадиий образ, портрет, бадиий деталь ва сюжет билан чамбарчас алоқадорлиги ҳамда қисса услуби сюжет қўламдорлиги ва яхлитлигини таъминловчи муҳим восита эканлиги, бугунги ўзбек қиссачилигида янгидан-янги услуб кўринишлари намоён бўлаётганлиги ҳақидаги назарий хулосалар илгари сурилган;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наср кенгаши йиллик ҳисоботида 2016 йил қиссаларининг таҳлилида қўлланган (Ёзувчилар уюшмасининг 2017 йил 10 октябрдаги 01-03/902-сон маълумотномаси).

Натижада ўзбек қиссачилиги тадрижи, ўзбек насридаги анъанавий ва ноанъанавий услуб шакллари, унинг тараққиёт босқичлари, ҳозирги қиссалардаги ворисийлик хусусиятлари ёритиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 та илмий-адабий мақолалар тўплами, 24 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Бадиий услубнинг назарий-поэтик хусусиятлари” деб номланган биринчи боби икки фаслдан таркиб топган. Биринчи фаслда “Ижодкор шахси ва бадиий асар услуби” ўрганилган.

Адабиётшунослик тарихига эътибор берсак, бадиий ижод табиати, ижодкор шахс дунёқараши, поэтик тафаккур кўлами, адабий жанрлар, бадиий тасвир воситалари, санъат асарида ижодкор шахсининг намоён бўлиши, воқеликни тасвирлаш усуллари, шунингдек, бадиий услуб ҳақида турли-туман фикрлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз.

Арасту “Поэтика”сининг “Тасвирлашнинг турли воситалари” деб номланувчи қисмида шундай фикр мавжуд: “Баъзи кишилар маҳорат, баъзилар малака сабабли, яна баъзилар туғма истеъдодлари туфайли бўёқлар ва шакллар ёрдамида кўп нарсаларнинг тасвирини – ўхшашини яратадилар. Ҳозиргина эслаб ўтилган санъатларнинг ҳаммасида ҳам алоҳида ё ритм, ё сўз ва ёхуд гармония ёрдамида ёки шуларнинг ҳаммаси уйғунлигида тасвирлайдилар”⁵. Арасту таърифига кўра, санъат асари ҳаётда мавжуд воқеа-ҳодисаларни бадиий-эстетик идрок этиш, уларнинг ўхшашини турли воситалар ёрдамида акс эттириш орқали дунёга келади. Бадиий адабиётда бу жараён, шубҳасиз, сўз орқали амалга ошади. Бадиий тасвирга йўналтирилган сўз муайян тартиб, мантикий изчиллик, поэтик бўёқдорликни талаб этади. Шундай талаблар мажмуаси эса бадиий услубни майдонга келтиради. Кўчирмада келтирилган “ритм – сўз – гармония” учлиги бадиий услубда истисносиз тарзда бир-бирини тақозо қиладиган, тўлдирадиган ва услуб яхлитлигини ташкил этадиган ўзгармас, зарурий компонентлардир.

Шарқ мумтоз поэтикасида ҳам муаллиф, бадиий асар ва услуб гармонияси энг яхши бадиий асар ёхуд истеъдоднинг шarti сифатида тушунтирилган. Араб алломаси Бишр ибн Муътамирнинг: “Агар тилинг равон, қаламинг ўткир, баёнинг етук, лафзинг лутфли, иқтидоринг тугал, фаҳм-фаросатинг нозик бўлса, хослар учун ёзганинг оммага ҳам тушунарли бўлса ва омма учун ёзганинг хослар учун ғализ кўпол кўринмаса, бунинг учун сўз ва ибораларда мўътадил, ўрта йўлни топа олсанг, том маънода истеъдод соҳибидирсан”⁶, – деган фикрлари шу жиҳатдан диққатни тортади.

Маълум бўладики, Шарқ ва Ғарб поэтикасининг қадим даврлариданок ижодкор шахси ва бадиий асар услубининг муштараклиги масаласига

⁵ Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 20.

⁶ Бишр ибн Муътамир. Синоъату-л-иншоъ // Мумтоз шарқ поэтикаси. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 327.

жиддий эътибор қаратилган. Ижодкор шахси, дунёқараши ва табиати бадий ижод гармониясини ташкил этувчи асос сифатида олинган. Бу борада икки кутб мутафаккирларининг қарашлари ўзаро яқин бўлган.

Диссертацияда бадий услуб ҳақида Арасту, Бишр ибн Муътамир, Гегель, В.Г.Белинский, А.Фитрат, В.Жирмунский, М.Б.Храпченко, Марио Варгас Льоса, Н.Шукуров, Ў.Носиров, Ҳ.Болтабоев каби олимларнинг фикрларига илмий муносабат билдирилган. Бадий услуб ва қисса жанри таракқиётининг давр, миллат, адабий-тарихий жараён билан муштарак жиҳатлари ўрганилган.

Шунга кўра, асарнинг шакл ва мазмунига доир барча узвлар икки нарсада тажассум топади. Булар: а) муаллиф шахси; б) бадий асар услубидан иборат. Услубнинг умумий ва хусусий жиҳатларини билдирувчи, услубнинг шаклланиши ва такомлига хизмат қилувчи барча бошқа унсурлар шу икки тушунчада бирлашади. Мана шу икки тушунча синтезлашган нуқтада ҳақиқий санъат асари майдонга келади.

Биринчи бобнинг “Ўзбек қиссаларининг услубий ўзига хослиги” – деб номланган иккинчи фаслида қиссанинг поэтик хусусиятлари, ўзбек адабиётшунослигида қисса жанри истилоҳи, жанр мезонлари, ўзбек қиссаси услубининг тадрижий такомиллашув жараёнлари борасида фикр юритилган.

Қисса узоқ адабий-тарихий жараённи босиб ўтган, бадий мукамаллик касб этган жанрдир. Қиссада айтилиши лозим бўлган поэтик фикр ҳар доим жанрнинг маълум бир “вакили” тилидан ҳикоя қилинади. Бинобарин, қисса баёнида ровий ва муаллиф нутқи қоришиб кетган ўринларда ҳам мана шу тамойил ишлайверган. Яъни бу жараён жанрнинг ички структур таркибини ташкил этиб, унинг шаклланиш ва такомил йўлини белгилаб берган. Ўзбек қиссачилигига шу нуқтаи назардан қараганимизда, унинг қатор поэтик омиллари ва жаҳон қиссачилиги (Биз жаҳон қиссачилиги деганда фақат Шарқ ва рус адабиётини назарда тутдик. Чунки Европа адабиётида қисса жанри кенг тарқалмаган – Д.Х.)да бўлмаган янги услубий хусусиятлари борлигига амин бўламиз. Ишда ўзбек қиссачилигининг бугунги даражаси, ўзбек қиссаси услубига хос етакчи жиҳатлар, унинг шаклланиши, таракқиёт тамойилларини белгилаш учун қиссачилигимиз тарихига қисқа эскурс қилинган.

Бизнингча, ўзбек қиссалари услубининг шаклланишида тўрт муҳим омил муҳим аҳамият касб этган. Булар: а) фольклор таъсиридаги қиссалар; б) ёзма мумтоз қиссачилик; в) шўро қиссачилиги (рус повести); г) жаҳон реалистик ва модерн қиссалари ҳисобланади.

Ўзбек фольклори таъсиридаги қиссалар дейилганда биз, асосан, адабиётшуносликда “халқ китоблари” номи билан юритиладиган қиссаларни, ёзма мумтоз қиссачилик деганда, асосан, ислом дини ва шу билан боғлиқ шахслар ҳаётига доир бир ёки бир нечта воқеани талқин этишга қаратилган қиссаларни назарда тутганмиз. Шўро даври ўзбек қиссачилиги бошқа миллатлар адабий таъсирини истисно этганда кўпроқ рус қиссачилиги, рус повести негизида шаклланди десак, хато бўлмайди. Бунда рус қиссаларига хос сюжет, образлар тизими, композицион шакл, баён услуби устуворлиги

кўзга яққол ташланади. Л.Толстой, Ф.Достоевский қиссалари, М.Горький, М.Шолохов ва бошқа кўплаб рус шўро ёзувчилари асарлари ўзбек шўро қиссачилигининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатди.

Фақат XX аср 60-йилларидан бошлаб, ўзбек қиссачилиги чин маънода жаҳон реалистик қиссаси томон юз бурди. Эндиликда рус ёзувчилари билан бир қаторда Стендаль, Бальзак, Флобер, Хемингуэйлар (услуг нуктаи назаридан – Д.Х.) анъаналарига мурожаат кучайди. Ўзбек қиссанавислари инсон шахсияти ва ҳаёт муаммосини реал воқелик негизида талқин эта бошладилар. Соф реалистик адабиёт билан ёнма-ён У.Фолькнер, Ж.Жойс, Г.Маркес, А.Камю, Ф.Кафка, М.Прустларнинг модерн услубига мурожаат ҳам кучайди (бу жараён кўпроқ 80-йилларда яққолроқ кўринди – Д.Х.). Шу тариқа ўзбек фольклори таъсиридаги қиссачилик, Шарқ мумтоз қиссачилиги, шўро қиссачилиги ва жаҳон реалистик ҳамда модернистик қиссачилиги анъаналарини ўзида мужассам этган бугунги ўзбек қиссаси шаклланди.

Хуллас, XX аср 30-йиллари ўзбек қиссачилигида, хусусан, А.Қодирий ва Ғ.Ғулом ижодида халқ қиссачилигига хос баён услуби, фольклор ҳамда мумтоз қиссанависликка доир киноявий услуб, сўз, ибора ҳамда бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилгани кўзга ташланади. Ўзбек қиссачилигининг фольклор ва мумтоз қиссачилик баён услубидан нисбатан узилган босқичи сифатида XX асрнинг 40–50-йилларини кўрсатиш мумкин. Шўро адабий сиёсатининг ижтимоий талабларига сўзсиз бўйсунушга мажбур бўлган ўзбек қиссаси синфийлик, партиявийлик тамойилларини акс эттирди. Натижада, бу давр қиссалари сюжети, композицияси, образ ва характерлари шўровий, партиявий қиёфа касб этди. 60-йиллар ўзбек қиссалари замоннинг нисбатан “илиқлашуви” боис (Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов ижодида – Д.Х.) партиявий идеаллардан инсон шахси, унинг руҳий дунёси тасвири томон юз бурди.

70–80-йиллардан бошлаб, ўзбек қиссалари услубида жаҳон қиссачилиги анъаналари (Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Хайридин Султон, Эркин Аъзам ижодида – Д.Х.) яққол кўринади. Реалистик ва модернистик услуб муштараклиги бунинг ёрқин мисоли саналади. Бу давр қиссаларида қисса ва роман қамрови, лирика ва эпик талқин синтезлашди, қаҳрамон ҳамда воқелик, сюжет ва композиция структур-семантик жаҳатдан ўзгаришга учради, аммо бундай янгиликлар модернистик ёки экспериментал шаклда эмас, балки соф миллий ўзакда намоён бўлди.

Диссертациянинг “Шойим Бўтаев қиссалари услуби поэтикаси” – деб номланган иккинчи бобида ушбу ёзувчи қиссалари таҳлили асосида мустақиллик арафаси ва мустақиллик даври ўзбек қиссачилиги услубининг илк янгиликлари босқичлари ҳақида сўз юритилади. Мазкур боб икки фаслдан иборат. Биринчи фаслда “Муаллиф бадиий ниятини ифодалашда образ, портрет ва бадиий деталнинг ўрни” ўрганилган.

Ш.Бўтаевнинг “Шамол ўйини” қиссаси ўзбек қиссачилиги тарихида реалистик тасвир ва миф элементларини уйғун ифодалаш билан янгилик ҳисобланади. Адиб қисса воқеаларини миридан-сиригача ёритишни мақсад қилиб олмайди. Шунинг учун у тасвирнинг ихчам усули, яъни жумбоқли

тасвирлаш йўлидан боради. Масалан: а) ”На юрти, на миллатининг тайини бўлган бир ўткинчи келганлиги”; б) қишлоқнинг ёши улуғ, оқсоқолларидан бири Мирза бобонинг келгиндини биринчи кўришидаги тасвир: ”Чолнинг юраги негадир шиғ этди”. Бундай жумбоқли тасвир нафақат ўқувчида кизиқиш уйғотади, балки асар сюжетининг катта умуминсоний кўлам касб этишини таъминлайди; в) Беркинбойнинг қадами ёқиш-ёқмаслиги бу ерда қолиш-қолмаслиги масаласи. Қиссанинг бутун сюжет чизиғи мана шу масалалар асосига қурилади. Асар қаҳрамонларининг ташқи қиёфаси, юриш-туриши, овозлари ҳам юқорида кўрсатилган жумбоқларнинг ечилишига монанд тасвирланади.

Халқимизда “Кўз – қалбнинг ойнаси” деган ҳикмат бор. Тасвирлардаги кўз деталига шу жиҳатдан эътибор қаратайлик. “Бит кўзлар”, “кўзлари симобдай ликиллаб олма-кесак териб турган”, “ўқдай тикилувчи” каби тасвирлар барча халқлар адабиётида салбийлик маъносини англатади. Адабиётшунос Б.Саримсоқов таъкидлаганидек: “...эстетик идеал ижодкорнинг мукамал гўзаллик нуқтаи назаридан яратган образларида ўз ифодасини топади. Бу – асосан тўғри мезон. Аммо шуни ҳам ёддан чиқармаслик лозимки, мутлақо гўзаллик қамраб олинмаган, балки фақат эстетиканинг хунуклик категорияси ўлчовлари доирасида яратилган образлар ташаккулида ҳам эстетик идеал иштирок этади”⁷. Олимнинг фикрини давом эттириб айтиш мумкинки, хунуклик категорияси асос бўлган образ, характер ва портретлар тағзаминида шундай хунукликка қарши турган антипод – гўзаллик категорияси бўртиб кўринади. Шойим Бўтаев тасвир услубида ҳам шу жиҳат етакчилик қилади. Биргина “Шамол ўйини” қиссасида бундай бадиий тасвир усули ўнлаб учраши диссертацияда келтириб ўтилган.

Жаҳон насрида кўп қўлланадиган мифологик услуб Шойим Бўтаев ижодида ўзгачароқ моҳият касб этади. Ёзувчининг тасаввурида ёмонлик, қабоҳат ва разиллик ҳамиша афсонавий ёвуз кучлар кўринишида гавдалантирилади. Шамол ўрамаси азалдан халқ тасаввурида жин-парилар, дев-шайтонларнинг иши, ёвузликнинг тимсоли сифатида тушуниб келинади. Фольклоршунос М.Жўраев халқ тасаввурича, қуюн сифатида дохил бўладиган ёвуз кучлар бевосита одамларнинг ўзига ҳам зиён етказиши мумкинлигини келтиради⁸. У Яратганнинг ахлоқан тубан кетган қавмлар устига юборган балоси деб талқин қилинади. Қиссанинг бу ўрнида муаллиф Шарқ халқларида мавжуд мана шундай мифик тасаввурни янада кучайтиради, унга ёвузликнинг конкрет қиёфаси акс этган бошқа деталарни монтаж қилади. Зотан, халқ тасаввурида чарх уриб айланаётган қуюн ўлароқ қалбларга ваҳима соладиган мифик тасаввурни Ш.Бўтаев қаҳрамонлари (момоулоқ ошида иштирок этган кампирлар – Д.Х.) ичидан кўришади. “Қамғоқдан бир қаричча юқоридан қуюн нақ шифтга тегиб, чарх урарди. Унинг остки қисмида *одам бўлиб одамга, ит бўлиб итга ўхшамаган аллақандай жониворлар* муаллақ ҳолатда бир-бирларини эзгилаб-янчиб

⁷ Саримсоқов Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари, – Т.:2004. – Б. 11.

⁸ Бу ҳақда қаранг: Матёкубова Т. Поэтик идрок ва маҳорат. –Т.: Fan va texnologiya, 2011. – Б. 33.

ётишарди” (таъкид бизники – Д.Х.). Мифологияга доир адабиётларда бундай махлуқлар ҳақида қуйидаги маълумотга дуч келамиз: “Александр Македонскийнинг Шарққа қилган сафарлари давомида бошқа махлуқлар каторида кинокефаллар – ит бошли одамларни ҳам учратади. Александр бу махлуқларни қора булут тоғи ичига ҳайдайди ва ер ости ғорига зиндонбанд этади”⁹.

Ш.Бўтаевнинг ”Шўродан қолган одамлар” қиссасидаги ака-укаларнинг худбинлиги, беоқибатликлари ва ҳаётдаги фожиаси бирма-бир тасвирланади. Шу ўринда қиссашунос А.Холмуродовнинг бу тип қаҳрамонлар ҳақида: “...улар шўро тузуми азобини тортган жабрдийда инсонлар, турмушнинг аянчли онлари улар қиёфасида ўз аксини топган”¹⁰, – деган фикрини эслаб ўтиш ўринли.

Ш.Бўтаевнинг “Эски арава” қиссаси ҳам ижодкор фантазиясининг маҳсули ҳисобланади. Қиссада китобхонга яхши таниш бўлган Н.В.Гоголнинг “Ўлик жонлар” асаридаги Чичиков ва унинг малайлари Селифан, Петрушка, ҳамтовоқлари билан Ўзбекистонга келиши, ўша даврдаги амалдорларнинг уларга кўрсатган лаганбардорлиги тасвирланади. 80-йиллар ўрталаридаги Ўзбекистон собиқ раҳбарларининг марказдан “ҳалоллик ўрнатиш учун раҳбар кадрлар” сўраши натижасида юртимизга келиб қолган ҳар хил тоифадаги одамлар характери ва кирдикорлари адибнинг рамзий-ироник услуби орқали очиб борилади.

Ш.Бўтаевнинг ”Муюлишдаги уй” қиссаси замонавий детектив мавзуга яқин услубда ёзилган. Қиссага киритилган ҳар бир образ, портрет, деталь, тасвир, воқеалик бир-бирига узвий яхлитликда олиб борилади. Бош котибни кутиб олишдаги оворагарчиликлар, Ёрибекнинг шаҳарга келиши, Тошқувват билан кечадиган саргузаштлар, Саид Мавлавий, Асад, Назокат, Отажон, Муса, Усмон Акрам каби одамлар билан танишув, асар ичига киритилган Тошқувватнинг “Ҳаётим йўллари” қиссаси 80-йиллар типик шароитини ёритишга хизмат қилган. Асардаги образлар, характерлар ва портретларнинг сюжет билан бир бутун ҳолатда ўзига хос симфония ҳосил қилиши юксак бадиий даражадан далолат беради.

Ишда Ш.Бўтаевнинг мазкур қиссалари услуб жиҳатидан таҳлилга тортилган.

Иккинчи бобнинг “Сюжет яхлитлиги ва бадиий нутқ қисса услубининг муҳим омили сифатида” деб сарлавҳаланган иккинчи фаслида Ш.Бўтаев қиссалари услуби сюжет тушунчаси негизида тадқиқ этилган.

Бадиий асарда ҳикоя қилинаётган воқеа, одатда, сюжет тушунчасини беради. Табиийки, ёзувчи бадиий асарнинг бевосита мазмун-моҳиятини ташкил этадиган, ўзаро ички боғланишга эга бўлган ҳамда ривожланиб борадиган ҳаётий воқеалар тизимини ўз поэтик тафаккурига мос равишда яратади. Бадиий асар сюжетида қаҳрамонлар характери акс этади, шу билан

⁹ Афанасьев А.Н. Дерево жизни. – М.: Современник, 1982, – С.163.

¹⁰ Холмуродов А. Кўрсатилган диссертация. – Б. 161.

бирга, ички тўқнашувлар, конфликт ва коллизиялар сюжетни умумлаштиради.

Мавзумиз объекти бўлган Шойим Бўтаевнинг “Шоҳона совға” қиссасида ретроспектив сюжетдан, “Муюлишдаги уй”, “Шўродан қолган одамлар”, “Шамол ўйини”, “Эски арава”, “Бир кунлик меҳмон” қиссаларида, асосан, хроникал сюжет типлари кўзга ташланади. Баъзи ўринларда маълум бир қаҳрамонни таништириш ёки воқеа баёнига киришиш олдида жузъий чекинишлар бўлади. Аслида бу тарзда бадиий сюжетнинг ички унсурларини ўрни-ўрнига жойлаштириш ижодкорнинг тажрибасини, ўқувчини сирли бир тарзда “ушлаб тура олиш” маҳоратини кўрсатади. Шу жиҳатдан қаралганда, “Шамол ўйини” қиссаси сирли ҳодисаларни уюштириш, ирим-сиримнинг қисса моҳиятига сингдириб юборилиши, қаҳрамонларнинг фавқулодда табиати нуқтаи назаридан ўзига хослик касб этади. Қиссада реал воқеликларга ғайритабиий, фавқулодда, тўсатдан юз берадиган сирли ҳодисалар уйғунликда тасвирланади.

Воқеаларнинг хронологик тасвирида ҳам ички боғланиш занжири сезилиб туради. Ора-орада кампирларнинг Нисо ачанинг уйида момоулоқ базмини ўтказишлари – бу сирли тасвирлар қиссага ўзгача руҳ бағишлайди. Кампирларнинг гап-гаштаклари, ўзаро суҳбатлари тасвирланган саҳифалар – бу қисса воқеаларига холис бир муносабат ҳамдир. Айнан момоулоқ билан боғлиқ ривоят қисса воқеалари ярмига яқинлашгандагина сюжетга илова қилинади.

“Шамол ўйини”¹¹ қиссасининг тил жиҳати ёзувчи томонидан яхши ишланган. Шойим Бўтаевнинг тил бадииятига хос қирраларидан бири бу – матнда жуфт сўзлар, такрор сўзлардан унумли фойдаланилиши қисса сюжет кўламининг кенгайишига, яхлит бадиий ҳодиса сифатида намоён бўлишига хизмат қилган. Қисса услубининг оригинал чиқишини таъминлаган.

Ёзувчи баъзан вазият тақозосига кўра кўпсўзликка берилади. Аммо Ш.Бўтаев услубида ўрни-ўрни билан жуда сиқик, сўзни жуда тежамкорлик билан қўллаган ўринларни кузатиш мумкин. Масалан, “Шамол ўйини” қиссасида расмий-идоравий услубдан маҳорат билан фойдаланади. Натижада, том маънодаги расмий услуб бадиий услуб сифатида хизмат қила бошлайди.

“Эски арава” қиссасининг кўпгина ўринларида Ш.Бўтаевнинг Гоголь анъаналаридан таъсирлангани сезилади. Ш.Бўтаев қаҳрамонларига исм танлашда гоголча услубга изчил риоя қилади. Чунки адиб қаҳрамонларининг исм-фамилиялари одатдаги ўзбекча исмлардан кескин фарқ қилади: Беркинбой, Барака, Ёшиузоқ, Нишонбой Ҳурзамонович, Ёрибек, Симхобоев, Назоратчи, Мэлс, Тошқувват, Нисо ача, Абдусамат лакот, Каромат яллачи ва ҳ.к. Таъкидлаш жоизки, асар давомида қаҳрамонларнинг биронтаси ўз исмига “хиёнат” қилмайди. Исми маъносидан оғишмаган ҳолда ҳаракат қилади, гоҳ юмористик, гоҳ сатирик, гоҳ реал маъно ташийди. Бадиий ономастика

¹¹ Бўтаев Ш. Шамол ўйини // Ҳаёт. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 6. (Бундан кейинги иқтибослар шу китобдан олиниб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади – Д.Х.)

қоидаларига мувофиқ қўйилган исмлар қисса сюжети кўламининг ниҳоят даражада кенгайишига хизмат қилади. Асар яхлитлигини таъминлайди.

Ш.Бўтаев асарларида бошқа адибларда учрамайдиган шева сўзлар учрайди. Масалан, ёзувчи асарлари тилида “туппа”, “чархин”, “валангор”, “ҳориқулодда”, “сохт-сумбати”, “сарангроқ”, “калолат”, “товгум”, “санамараста”, “шалойим”, “қамғоқ”, “лайлакхос”, “хўллапўш”, “бебилиски”, “чошғалвир” ва бошқа қатор сўзларни қўллайди. Бундай шевага хос сўзлар асардаги макон ва замонни реал ифодалашга кўл келади. Қахрамонлар характерининг теран очилишига ёрдам беради. Услуб ранг-баранглиги, соддалиги ва халқчиллигини таъминлайди.

Ушбу фаслда адибнинг “Шоҳона совға”, “Муюлишдаги уй”, “Шўродан қолган одамлар”, “Шамол ўйини”, “Эски арава”, “Бир кунлик меҳмон” қиссалари сюжети ва бадиий нутқдан фойдаланиши кўрсатилган.

Диссертациянинг учинчи боби “Назар Эшонкул қиссаларида реалистик ва модерн услуб кўринишлари” деб номланиб, бунда модерн услуб шаклини ҳозирги давр ўзбек қиссачилиги услубининг конкрет бир кўриниши сифатида ўрганишга йўналтирилган. Ушбу бобнинг биринчи фасли “Янгиланган реалистик тасвир имкониятлари” деб номланади.

